ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИГА ДОИР МАТНЛАРДА ЛАКУНА

**Дилафруз Махамадалиевна Юлдашева**
Фарғона давлат университети

**Дилафруз Асқарова**
Фарғона давлат университети магистранти

**Мадинабону Зоҳидова**
Фарғона давлат университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек болалар нутқига доир матнларда қўлланилган лакуналарнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар**: лакуна, нутқ, тушунча, маданият, педагогика.

# LACUNA IN TEXTS ON UZBEK CHILDREN'S SPEECH

**Dilafruz Maxamadalievna Yuldasheva**
Fergana State University

**Dilafruz Askarova**
Master student, Fergana State University

**Madinabonu Zohidova**
Master student, Fergana State University

## ABSTRACT

The article describes the peculiarities of lacunae used in texts on Uzbek children's speech.

**Keywords:** lacuna, speech, understanding, culture, pedagogy.

## КИРИШ

Ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлари ва урф-одатлари мавжуд бўлиб, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаёт тарзи тилнинг луғавий бойлигини ҳосил қилади. Тилларга қиёсан у ёки бу тушунчанинг ифодаланмаслиги “лакуна” деб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

юритилади. Тил ва унинг бирликлари халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий, маиший турмуши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тилда лакуналарнинг бўлиши табиий жараёндир.

Агар тилни халқнинг маданий қиёфасини акс эттирувчи мураккаб тизим сифатида талқин этадиган бўлсак, айни бир қадрият, маданий бирликдаги ўзгачалик, тилда лакуна – айни шу тушунчани ифодаловчи сўзнинг йўқлиги билан изоҳланади. Демак, лакуна(лотинчадан олинган бўлиб, углубление, впадена) тилдаги у ёки бу тушунчанинг йўқлиги демакдир. Лакуна атамасини биринчи бор тилшунос Ю.С.Степанов бўшлиқ, тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар каби таърифлар билан тилшуносликка олиб киради. В.А.Муравлёв эса лакуналарни қуйидаги турларга ажратади: мотивациялашган ҳамда мотивациялашмаган лакуналар, мутлоқ ҳамда шартли лакуналар. Масалан, ўзбек тилидаги *чойхона, чопон, махси* каби сўзлар инглиз ва француз тилларида мутлоқ лакуна, *иймон, виждон* сўзлари эса шартли лакуна саналади. Чунки мазкур тилларда мутлоқ лакуналарнинг ўзи, яъни денатат мавжуд эмас, шартли лакуналарга муқобил тушунчалар эса мавжуд бўлади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шунингдек, лакуналар луғавий(лексик, грамматик, стилистик) ҳамда маданий(этник, кинестетик, аксиологик) турларга бўлинади.

Тадқиқотчи З. Д. Попов, И. А. Стернин лакунани икки маданият алоқаси, маданиятлараро мулоқотда пайдо бўладиган ҳодиса сифатида талқин этади. Тадқиқотчилар лакунани қўлланилишига кўра:

1. Бир тил доирасидаги лакуна;
2. Тиллараро лакунага ажратади.

Биз эса бундай лакуналарни ички ва ташқи лакуна деб изоҳлашни лозим топдик.

Ички – бир тил доирасидаги лакуналарни диахрон ва синхрон ҳолатда сўзларнинг маъно тараққиёти билан изоҳлаш мумкин. Агар полисемия ҳамда моносемия ҳодисасини тил бирликларининг умумистеъмолдаги ҳаракати деб олсак, сўзлар маъносининг кенгайиб, гоҳида торайиб бориши бир тил доирасидаги ички лакунага мисол бўла олади. Бу ҳолатни, яъни ўзбек тилидаги ички лакуналарни концептуал коррелятлар орқали ифодаланганини аллалар мисолида изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздай, аллаларда халқ маданияти ва қадриятлари акс этганлиги учун алла матнини лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Алла матнидаги лисоний бирликлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

лингвомаданий бирлик сифатида доимо тадқиқот объекти саналади. Оналар лирикаси сифатида талқин этиладиган қадимий аллаларда қуйидаги тўртлик учрайди:

*Бошмоғинг қиз, бошинг қиз,*
*Бошингдаги сочинг қиз.*
*Ўймоғинг қиз, ўзинг қиз,*
*Оғзингдаги сўзинг қиз.*

Мазкур сатрларни О.Сафаров қуйидагича изоҳлайди: бошмоғинг – бош бармоғинг – нозик, гўзал, бошинг – азиз, қимматли, бошингдаги сочинг ҳам дуркун, гўзал. Ўймоғинг – юзингдаги чуқурча, кулгучинг қимматбаҳо, ўзинг ҳам қимматбаҳосан. Оғзингдан чиқадиган сўзлар ҳам қимматли маъноларни уқиб олиш мумкин.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кўринадики, матнда *нозик, гўзал, азиз, қимматли, дуркун, гўзал, қимматбаҳо* – ички лакуна, у қиз корреляти орқали ифодаланмоқда. Ички лакунанинг пайдо бўлишини диахрон ва синхрон ҳолатда қиёслаганда аниқлаш мумкин. О.Сафаров аввалларида ***қиз*** сўзи жинсни ифодаловчи сўз бўлмай, туркийзабон халқларда бу сўз *қимматли, нодир, тенгсиз, гўзал* маъноларда қўлланганлигини баён этади. Фақатгина якканикоҳ юзага келган, барқарорлашган даврдагина қиз сўзи жинсни англатувчи атама сифатида юзага келганлигини, бокира учун тўлов қалинни ҳамда тўй маросими ва унга боғлиқ харжни юзага келтирганини, шу тўлов қалин ва тўй харажати устига бўлганлигидан аёл жинсига мансуб бола то балоғатга етиб, эрга муносиб бўлгунига қадар қиз деб атала бошланганини таъкидлайди.

Тадқиқотчи З.Д.Попов, И.А.Стернин икки маданият алоқаси сифатида изоҳлаган **ташқи лакуна**ни эса таржима асарларда учратиш мумкин.

Ташқи лакуналар аксарият корреллятлар орқали ифодаланмайди, яъни лакунанинг ўзи асл ҳолатда берилиши шеърий матнни янада ўқимишли қилади. Мисол тариқасида, И.Муслимнинг “Ойхон ва райхон” шеъридаги лакуналарни таҳлил қилиш мумкин:

Вот придумала Ойхон
Пасадить в саду **райхон.**
А райхон бывает разный:
Этот куст – шарообразный,
Этот – весь в цвету, пахучий,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

Но, наверно, самый лучший
Тот райхон, что в суп кладут.
Рос бы он у нас в саду!
Но сказать – ещё не дело.
Надо в руки взять **кетмень**.
Чтобы сталь его блестела
От работы целый день,
Нужно землю разрыхлить,
Хорошо её полить,
День за днём трудиться нужно,
Чтоб кусты поднялись дружно…
…Раскудрявился **райхон**,
Словно волосы Ойхон.
Вдоль арыка, вдоль террас –
Всюду радует он глаз.
Мы сварили **машхурду**.
А приправа где? В саду!
В суп райхон мы положили,
Сто похвал мы заслужили.
А за что же нас хвалить?
Это ж просто – суп варить.
За душистый тот **райхон**
Надо похвалить Ойхон,
Потому что целый день
У неё в руках **кетмен**ь!
…Ничего и никогда
Не добьёшься без труда!

Илёс Муслимнинг юқоридаги шеърида *райхон, машхўрда, кетмон, ариқ* сўзлари лакуна сифатида таржима қилинмасдан берилади. Ойхон исмли қизнинг райхон экиши, лакуна сифатида берилган райхоннинг тузилиши: *шарообразный, душистый, пахучий, самый лучший, что в суп кладут* каби белги ифодаловчи сўзлар, бирикмалар ёрдамида тушунтириб берилади. Юқорида таъкидлаганимиздай, ташқи, яна тиллараро лакуна муайян бир маданиятнинг ўзига хос кўриниши, “ойнадаги”, яъни тилдаги тасвири ҳамдир. Масалан, япон оилаларида бола истаганича ота-онасининг қўлида ёки орқасига осилиб юриб, уларнинг ҳамхўрлигидан етарлича бахраманд бўлади. Ота-оналар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

фарзандига ўзларининг «амаэ» ларини (япон тилидан амаэру – «ғамхўрлик қилиш, яхши кўриш») тақдим этишга доим тайёр туради. Амаэ, бизнинг тушунчамиздаги яхши кўриш, ғамхўрликдан фарқланади. *Амаэ* сабаб, ташқаридан болаларни умуман койишмайдигандек туюлади. Баъзи нарсаларни сўзсиз ифодалаш – япон нутқ маданиятининг ўзига хос томонидир. Шу боис японлар кайфиятни жуда яхши сезишади ва суҳбатдошларининг ҳақиқий фикрини интуитив тарзда ҳис қилишади. Японлар фарзандларини шахсий ўрнаклари мисолида тарбиялашади. Болалар ота-оналарининг норозилигини руҳан ҳис қилишади. Уларни норози нигоҳлар, маъқулламаганликни билдирувчи сукут билан жазолашади.
Айтиш мумкинки, *амаэ* сўзи япон тарбия маданиятининг бўлаги сифатида лакуна саналади.

**ХУЛОСА**

Японларда яна бир тарбия усулидан ҳосил бўлган лакуна мавжуд. У «йўқолган бола» маъносини ифодаловчи, япон тилида «майго» лакунасидир. Доимо онасини хис қилиб туриш боланинг меъдасига теккач, у атрофдаги нарса-ҳодисаларга, воқеликка қизиқиш билдира бошлаганида, уни чеклашмайди, балки унга... «яшириниш» имконини беришади. Таассуфки, Японияда ҳеч ким бола ўғирламайди, транспорт ҳам хавфсиз ташкил этилган, одамлар кўчада ўзларини босиқлик билан тутишади, бунинг устига, энг муҳим томони, жамиятдаги одамлар бир-бирига ўхшаш, яъни маданиятдош. Атрофдаги одамлар бу усулни яхши билишади ва «майго»нинг топилишига ёрдам беришади. Хотиржамлик билан, полицияни аралаштирмасдан ва асабийлашмасдан ёрдам беришади. Боланинг онаси шу атрофларда юрган бўлади, атрофдагилар уни кўриб ҳам туришади. Одамлар болага йўналиш олишга кўмаклашишади, аммо шу билан бирга «майго» бўлиб қолиш, ўз «амаэ»сини йўқотиш ёмонлигини ва кейин «топилиш» бахтини ҳам болага ҳис қилдиришади. Шундан кейин одатда бола онасидан узоқроққа кетиб қолишга бошқа ҳаракат қилмайди. Айни шу ҳолатни ифодаловчи *амаэ ва майго* муносабатига доир кўплаб бадиий фильмлар ва мультфильмлар яратилганки, ундаги образлар ўзбек маданиятидан фарқланадиган тушунчаларни намоён этади. Ўзбек оилаларида “бешик боласи бек боласи”, деб ардоқланиши, чақалоқликдан бешикка солиниши, бешик лакунасини ифодаласа, бу ҳолат япон оилаларида кичкина боласини ҳар доим шунчаки қалин мато билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00283

орқаларига ёки кўкракларига боғлаб олиб юрган япон онаси учун ғайритабиий ҳолат, балки шавқатсизликдай туйилиши мумкин.

Кунчиқар мамлакатидаги қадимий маданий анъаналарнинг бир кўриниши бўлган *амаэ, майго* ҳамда ўзбек оиласидаги бешик лакуна сифатида бошқа тилларда қўлланилиши, бу маданиятнинг тил билан зич боғланганидан далолат беради. Бу ҳолат тушунчанинг сўзга қараганда серқирра ифодасини намоён этади.

## REFERENCES

1. Адашбаев Т., Маликов Э. Антология узбекской поэзии. – Тошкент: Шарқ.2007. – С.231
2. Степанов Ю.С. Основы общего языкознание. – М. 1975.С.120.
3. Сафаров О. Ўзбек халқ аллалари. Алла-ё алла. – Тошкент: Ўқитувчи.1999. 6-бет
4. Д.М.Юлдашева.Болалар фольклорида креол (уйғун) матннинг ифодаланиши. - Молодой ученый, 2020 - elibrary.ru
5. Юлдашева Д.М.Использование зоонимов в колыбельной песне - «Алла», как аспект этнолингвистики. Актуальные проблемы гуманитарных и …, 2013 - elibrary.ru
6. Юлдашева Д.М. Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари. – Молодой учёный. 2019-elibrary.ru.